

Дунёнинг кетиши, турмушнинг окишида шундай воқеалар пайдо бўладирким, у воқеаларга ўхшаш ҳоллар ундан бурун ҳам кўрулиб ўтади.

Ана шу вақтларда махмадона, чечан кишилар чикиб «тарих такаррур килаётир», деб шовкун-сурон килиб юборадилар.

Мен махмадона ҳам эмасман, чечан ҳам. Шовкун-сурон килмок ҳам кўлимдан келмайдир. Мен, ўзинг билган Фаргонанинг баъзи бир аҳволларини, эски котибларнинг калами кандай секин юрса, шундай секинлик билан ховликмасдан, шошилмасдан сизга ор килиб этмакчиман.

Шу ҳолос.

Фаргонанинг 1919 ва 20-йиллари эсингизда бордир. Фаргонада оккон ҳакли ва ҳаксиз конларнинг хиди Тошкент, Самаркандларни эмас, Москва, Ленинградни ҳам тутиб кетди. Шунча кон тўкилган жойда, албатта, воқеа эмас, ходисалар бўлуб турадир.

Ходиса ва воқеалар шу қадар тез ва шошилишлик билан юз кўрсатадирларким, уларни тарих бетларига жойлаб колмок ҳам жуда кийин бўладир.

Фаргонада ҳам шундай бўлди. Кечаги воқеалар бугун эсдан чикди. Эртанги воқеа олдида илгари кунгиси ҳеч нарса бўлмай колди. Ақллар, ҳатто шу воқеаларга гувоҳ бўлатургон бир тарих борлигини ўз доираларига сигдира олмай колдилар.

Шундай вақтда бизнинг буюк бир хиссиётли адиб ва шоиримиз чикиб, ўшал воқеаларнинг ҳаммасини адабий томоша, нафис пьеса ҳолида тарих бетларига нақш килиб колмокчи бўладир. Журъатни, жасоратни қаранг!

Ҳамза Ҳакимзоданинг 6—7 бўлакдан иборат валуолалик (сенсационний) «Фаргона фожеалари» ана ўшал ховликишнинг мевалари эди. Томошачи муаррихимиз ўз асарларини ўшал вақтда «тарих учун оддий бир матириёл» деб ўйлагон эмас. Ҳатто, муни даъво килиб чикканлардан жуда каттик ҳафа бўлгон. «Фаргона фожеалари» муаллифининг фикрича Шекспирнинг «Ҳамлет»» «Макбет», «Рўмеў ва Жулет» ларининг ўзбек ва Фаргона мухитидан етишганларигина эди; шунинг учун унда юксак мафқурали кизлар, юқори тушунчали аллакандай Талъат афандилар бор эди.

Ўшал вақтнинг оммаси ҳалки ҳам кизик. «Фаргона фожеалари» дедими, 5000 киши сигатургон кенг сахналарга ҳам одам лик тўла берган. Муни кўрган муаллиф, «кимматлик, «нафис» асарларини кенг Туркистоннинг у бошидан бу бошигача кўтариб бориб, ўйнатиб юрган...

Орага «Чигатой гурунги» деган бир жамият чикиб колди. У жамиятга мансуб кишилар тилни соддалаштирмак мақсадини асос килиб ушлаганлари ҳолда, ўзбек адабиётининг тугалланишига ҳам катта аҳамият бердилар. Тугалланадургон адабиёт чин адабиёт

бўлмоги керак. Шунинг учун адабий асарларга хакикий кийматини бериб, адабиёт кира олмагон нарсаларни шафкатсиз суратда майдондан хайдай бошладилар. Ана шу ҳаракатнинг зарбига учрагонлар орасида, Хуршид Шарафнинг «Кичик аскар»и (ўзича: «Кучук аскар») билан бирга бизнинг «Фаргона фожеалари» ҳам бор эди.

«Чигатой гурунги» асосини маҳкам кургонлиги ва чизикни тўғри чизгонлиги учун — ўзи йўқ кетса ҳам ўзбекнинг янги адабиётида янги, порлок, шарафлик саҳифалар очди ва очмоқда давом этадир.

Лекин, курук воқеаларни ингичка, нозик адабий йўл билан кўрсатмак истаган «Фаргона фожеалари» ўшал вақтларнинг ўшал вақтдаги хабар (хроника) ларидан бошқа нарса бўла олмадилар. Шунинг учун 20-йиллардаёқ мотамсизгина кўмулдилар.

Тарихнинг такарруримикан?

Яқинда Кўкон (Фаргона музофотининг пойтахти) шаҳарининг кўчаларида бир хитобнома қадар узун, Бухородаги «Анас» ёки «Улуг Туркистон» газетасининг тилидек «курама» бир эълон ўқудим. Эълонда: бир-икки соатлик муқаддима (тўғриси, реклам!) дан сўнг «Фаргона фожеалари»нинг саҳнага кўйилгуси хабари берилган. Хайрон бўлдим, шошдим. Нима учун шошдинг дейсизми? Бу дунёда «ўликларнинг қайтадан тирилишига» ишонмагоним учун! Шу учун хайрон бўлиб шошкон эдим, локин «Раҳимбоев» тиётрининг пардаси очилиб, «босмачи» ва «дошнок» сўзлари эшитилгандан сўнггина «ўликларнинг тирилмаги мумкин бўлгонлигига» ишондим.

Пьесадан гапириб ўлтурмайман. Пес ва мохов килиб ўйнолгонидан ҳам сўз очмайман. У кунги ўйинга ўшал ўзингиз билган «атокли актриса» Кузнецова ҳам оралашгон эди. Оврупо асарларида бир овруполи киз рўлини қандай ўйнаш лозим бўлса бир ўзбек кизи рўлини Фаргона саҳнасида шундай ўйнагон Кузнецова у кун саҳна олдида чиқиб гапирган бир ўрток томонидан жуда кўб махталди. Шу жойни сизга билдириб ўтмасам бўлмайдир. Ўзи оддий бир хизматчи бўлгони холда, «Истамбул дорилфунуни муаззинлари»дек гапиратургон бир дошнок армани рўли ҳам бор. Бу рўлни ўйнаган «Уста» артист арман-озарбайжон тилларининг хусусиятидан шу қадар хабарсиз эдики, ўшал вақт дошнокларининг зулмларини кўрсатмак билан эмас, тилларини бузуб, масҳара килиб гапирмак билан уларнинг адабини берган бўлди... Баракалла, бу ҳам катта ҳунар! Мен, у тўғрида кўп гапирмокчи эмас эдим. Баъзи бир удур-будур ерларини кўрсатиб ўтаман деб, хийла вақтингизни олдим. Меним асл тўхталмок истаган нўқтам шудирким, шу пьесани шу холда ўйнамок билан ишга киришган шу театр тўдаси, маҳаллий маблағнинг таъминотига ўтказилар эмиш деган гап бор. «Фожеалар»нинг муаллифи ва тўданинг руҳи бўлгон Ҳамза Ҳакимзода ўртоғимиз, атай шу иш учун Ҳевадан чакирилиб келтирилган. Ҳамза ўртокнинг ўзи ҳам хусусий бир гаплашиш вақтида «шу тўғрида 20—30 кишилик исмета тузиб музофот ижрокўмига топширмокчи бўлгонини» айтиб ўтди.

Ўзбек театрини тиргизмак, ўзбек санъатини яшатмок йўлида Фаргона музофот ижрокўмининг жиддий ҳаракат кўрсатиши — олқишга лойик иш. Лекин шуни билмак керакким, ўзбек театр ва санъати бу хил санъатдан йирик асарлар ва санъатга 1919 йил кўзи билан қарайдургон тўдалар томонидан тиргизилиб, яшатила олмас. Бу муҳим ишни

ёш кучларга, санъатни тўғри кўриб таний оладургон кучларга топширмак керак.

Шубхасиз, Хамза ўрток ўзбек театрининг, ўзбек санъатининг юксалишида муҳим бир омил бўла оладир, уни бу соҳада ишлатмак керак. Лекин унга билдирмак, тушундирмак керакким, ўзбек театрини, Туркистоннинг марказида собик «Карл Маркс» тўдаси бошлагон тўғри йўл билан олиб бормок керак. Бу тўғри йўлга тушгани унамасалар тарихни курамаслик билан «такаррур» кидирмокчи бўлсалар, сахнани воқеаларнинг курук бир хабарлар бобидан иборат килмок истасалар— уларга хох маҳаллий маблағ ва хох бошқа маблағдан бир чака бериш керак эмас.

19-йилнинг «фожеафурушлик» даври ўтган ва тарихнинг бу «такаррури» биз учун зарарлик!..

---

Тарихнинг зарарлик такаррури. — «Туркистон» газетасининг 1924 йил 14 октябрь сонидан эълон қилинган. Гарчи мақолада сахна асари ҳақида гап кетса-да, унда муаллифнинг адабий-эстетик қарашлари ёрқин ифодасини топгани учун маъқул бўлишига шикоят қилинмади.

Такаррур — арабча, такрор сўзининг қўплиги.

«Фаргонанинг 1919 ва 20-йиллари эсингизда бордир» — Кўкон мухториятининг қонуний ҳукумати большевиклар томонидан махв этилган, Фарғонада бирин-кетин дахшатли ҳунрезликлар содир этилди: Кўконнинг вайрон қилиниши, дашноқлар қирғини, миллий гуруҳини ва миллий эркини ҳимоя қилиб чиққан эрксеварлар (яъни босмачилар) билан уруш, дахшатли очарчилик... Чўлпон айтиши шундай: бу нарсаларни эслатмоқчи бўлади.

Волуолалик — сенсацион, шов-шувга сабаб бўлувчи.

Хуршид Шараф — асл исми-шарифи Шамсиддин Шарафиддинов (1892—1960), Хуршид таҳаллуси билан ижод қилган, шоир, драматург, таржимон, театр ташкилотчиси. Ўзбек музикали драматизмининг асосчиларидан.

«Бухородаги «Анас» ёки «Улуғ Туркистон» газетасининг тилидек «курама» бир эълон ўқудим» — эслатилаётган газеталарнинг биринчисидан тожик, иккинчисидан татар тилига хос сўз ва сўз формаларшиг ишлатилганига ишора қилинмоқда.

«Атоқли актриса Кузнецова» — Мария Кузнецова (1899—1956), ўзбек театрининг биринчи актрисаларидан, ЎзСФСР халқ артисти. 1918 йилдан Хамза бошчилигидаги «Ўлка сайёр сиёсий труппаси»да ўйнаган. 1921—1925 йилларда Кўкон театрида, 1925 йилдан то умрининг охирига қадар ҳозирги Хамза театрида ишлаган.

«Истанбул дорилфунуни маъзунларидек гапиратургон...» — дорилфунун лекторларидек гапирадиган.

